

“Ўзкимёсаноат” АЖ  
ягона акциядорининг  
қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»

Т. Набиев

2020 йил 27 май 10-сон

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси  
Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги томонидан  
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Д. Мухамедов

2020 йил 26 июнь P0315-14-сон

М.Ў.

**“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	1	4	P	0	3	1	5	T	7
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

**331 055 999** дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар, ҳар бирининг номинал қиймати **1 145** сўмдан.

Акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн тўртинчи чиқарилишдир.

“Ўзкимёсаноат” АЖ ягона акциядорининг 2020 йил 27 майдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган, “Ўзкимёсаноат” АЖ ягона акциядорининг 2020 йил 27 майдаги 10-сон қарорига асосан.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100011, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 38. Тел. (+998978 140-74-08), info@uzkimyosanoat.uz

Эмитентнинг раҳбари:

Мирзамаҳмудов Жўрабек Турсунпўлатович

Бош бухгалтер:

Бабаев Бобур Бахруллаевич

Сана: 2020 йил 27 май

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 145 сўм.**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **331 055 999.**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **379 059 118 855.**
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: **Ушбу чиқарилишнинг ҳар бир оддий акция акциядорга қуйидаги ҳуқуқларини беради:**  
**тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;**  
**депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;**  
**жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;**  
**жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;**  
**акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;**  
**жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;**  
**олган дивидендини эркин тасарруф этиш;**  
**қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;**  
**ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;**  
**ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;**  
**қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.**
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жамият томонидан олишга доир чекловлар Жамият уставидa мавжуд эмас. Жамият ягона акциядорнинг 2020 йил 27 майдаги қарорига асосан акциялар ёпиқ обуна усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.**
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **534 015 118 750 сўм.**
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **466 388 750 дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акциялар чиқарилди ва жойлаштирилди.**
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Илгари жойлаштирилган облигациялар мавжуд эмас.**
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.
  - 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): **Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна тарзида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади.**  
*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*
  - 11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: **Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи тегишли давлат органи томонида давлат рўйхатдан ўтган кундан бошлаб бир йил (365 кун) ичида**  
*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.*  
*Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)*
  - 11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: **акциялар тўлиқ ҳажмда ёпиқ обуна тарзида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига қимматли қоғозларнинг уюшган биржадан ташқари бозоридa фуқаровий-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади**  
*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*  
*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*  
*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*  
*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*  
*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охириги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)*

**11.4.** Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: **Акцияларни сақлаш ва уларни ҳуқуқларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан ҳисоб регистрлари орқали қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.**

**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумот**

**Тўлиқ номи:** Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси Давлат корхонаси

**Ташкилий-ҳуқуқий шакли:** Давлат унитар корхонаси

**Жойлашиш ва почта манзили:** Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик проспекти, 107, 3 қават.

**Телефон рақами:** +(99871) 267-37-42, 267-36-42

**11.5.** Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: **Акциялар тўлиқ ҳажмда ёпиқ обуна тарзида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилишини инobatга олиб, имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмайди.**

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).*

**11.6.** Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати 1 145 сўм миқдоридан жойлаштирилади.**

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришида акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).*

**11.7.** Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: **Акцияларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2020 йилдаги “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4664-сон Қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратилган қуйидаги ссуда маблағлари ҳисобидан: - 2019 йил 6 декабрдаги 68-сон кредит шартномаси бўйича 28 882 788,66 АҚШ доллари миқдоридан (“Биринчи резинотехника заводи” МЧЖ устав фондига ўтказилган) (2019-йил 6-декабрдаги 125-сон кредит шартномаси бўйича 10 791 733,88 АҚШ доллари миқдоридан.**

**2020 йил 1 апрел холатига кўра 1 АҚШ доллари курси 9 554,22 сўм, бунинг натижасида Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш учун ажратилган умумий суммаси 379 059 116 742,12 сўм эквивалентида (уч юз етмиш тўққиз миллиард эллик тўққиз миллион бир юз ўн олти минг етти юз қирқ икки тийин сўмни) ташкил этади.**

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташиқлотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштирилаётган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).*

**11.8.** Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

**“Ўзкимёсаноат” АЖнинг ҳар бирининг номинал қиймати 1 145 сўм бўлган 331 055 999 дона жами 379 059 118 855 сўмлик оддий, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз акцияларининг Давлат активларини бошқариш агентлигига қўшимча чиқарилишини амалга ошириш.**

**Қўшимча акцияларни тўлаш (379 059 116 742 сўм 12 тийин) ва устав капиталини ошириш қиймати (379 059 116 565 сўм) ўртасидаги фарқ 177 сўм 12 тийинни ташкил этади.**

**Қўшимча акцияларнинг олдинги чиқарилишлари бўйича каср қолдиқлари, хусусан 8-чи акциялар чиқарилишидан 309 сўм 76 тийин (31.05.2016 йилдаги Ягона акциядорнинг қарори – (кейинги ўринларда ЯАҚ) 126 сўм 9-чи акциялар чиқарилишидан (09.12.2017 йилдаги ЯАҚ)**

**1079 сўм 78 тийин 10-чи акциялар чиқарилишидан (24.03.2018 йилдаги ЯАҚ)**

**308 сўм 70 тийин 11-чи акциялар чиқарилишидан (14.08.2018 йилдаги ЯАҚ)**

**145 сўм 64 тийин 12-чи акциялар чиқарилишидан (06.08.2019 йилдаги ЯАҚ)**

**581 сўм 72 тийин 12-чи акциялар чиқарилишидан (09.01.2020 йилдаги 4-сон ЯАҚ)**

**Каср қолдиқларининг умумий суммаси 2 728 сўм 72 тийин. Мазкур эмиссияни 2 (икки) дона 2 290 сўмлик акциялар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.**

**438 сўм 72 тийин миқдордаги фарқ кейинги акцияларни чиқаришда давлат активлари сифатида ҳисобга олинади. Ваколатли давлат органи томонидан акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил (365 кун) ичида ушбу чиқарилган акциялар умумий сонининг 60 фоиздан камроғи жойлаштирилган тақдирда акциялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.**

**Акцияларнинг чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, жамият оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан ўзининг корпоратив веб-сайтида ва Ягона корпоратив маълумотлар порталида бу ҳақдаги расмий хабарномани эълон қилади.**

**Акцияларнинг чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган кундан эътиборан 10 кун ичида акциялар учун тўлов сифатида олинган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

**Жамият фаолиятида муҳим фактнинг юзага келиш тўғрисидаги маълумотлар у юзага келган кундан бошлаб икки иш куни ичида Жамиятнинг расмий веб-сайтида ([www.uzkimyosanoat.uz](http://www.uzkimyosanoat.uz)), Корпоратив маълумотларнинг Ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) эълон қилинади.**

**Манфаатдор шахслар акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ва асл нусхаси билан Жамиятнинг маъмурий биносида қуйидаги манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 38, иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача танишиб чиқишлари мумкин.**

13. Бошқа маълумотлар.